Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◎ № 16 (7. 405) ◎ 1991 йил 24 январь, пайшанба ◎ Нархи 8 тийин

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

◎ Узбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Хоразм вилояти Боғотдаги Наримонов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларини хўжалик ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан самимий табриклади. Хўжаликнинг илғорлари жумҳурият фахрий унвонлари ва Узбекистон ССЖ Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

◎ Тошкентда Узбекистон — Туркия дўстлик жамияти таъсис этилди. Унинг таъсисчилари орасида Тошкент метрополитени, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий илмгоҳи, Узбек совет қомуси таҳририяти, «Мулоқот» ойномаси ва бошқалар бор.

МАМЛАКАТИМИЗДА

◎ ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Фармони билан Москванинг Совет Иттифоқи ва РСФСРнинг пойтахти сифатидаги мақомини белгилаш юзасидан мамлакат ва Россия Федерацияси Олий Кенгашларининг комиссияси тузилди.

◎ Москвадаги «Шереметьево—2» тайёрагоҳида ушланган Буюк Британия фуқароси Пол Пирсондан «Эхо» фирмаси Челябинск филиали 140 миллиард сўмни 7 миллиард 756 миллион долларга алмаштириш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар топилди.

ХОРИЖДА

◎ Ироқнинг Исроилга учинчи ракета зарбаси натижасида 100 га яқин киши оғир жароҳат олганлиги маълум қилинади. Улардан уч киши касалхонада вафот этган. Теҳрон радиосининг таъкидлашича, 23 январь тушдан сўнг Ироқ бронетанк ва пиёда қисмлари Саудия Арабистонидаги кўпмиллатли кучларга ҳужум бошлаганлар.

Бугунги кун нафаси



Шаҳримиздаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касбига меҳр қўйган кўплаб мутахассислар ишлашади. Сиз суратда участка бошлиғи Б. Манбаев билан бригадир А. Ғаниевларни кўриб турибсиз.

Р. Шарипов сурати.

Президентлик кенгашининг мажлиси

● Президент Кенгашининг 22 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Президент Кенгашининг аъзолари Болтиқбўйи республикаларидаги ҳозирги мураккаб вазият ҳақида гапириб, ҳарбий куч ишлатилганини қораладилар. Мулоқот ва ҳамжиҳатликка асосланган сиёсий усуллар рўй бераётган муаммоларни ҳал этишнинг бирдан-бир йўли бўлиши керак-лиги таъкидланди.

Барча миллатларга мансуб фуқаролар ўртасида тинчлик ва иноқликни таъминлаш учун ҳамма ишларни қилиш, демократияни, ҳар бир инсоннинг шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя этиш зарур. Форс кўрфази атрофидаги ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан хавотирлик билдирилди, урушни тезроқ тўхтатиш зарур, деган фикр яқдиллик билан айтилди. Литвадаги ва Форс кўрфази атрофидаги воқеалар муносабати билан Узбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва ҳукуматининг Баёнотлари маъқулланди.

Узбекистон ССР Давлат нарх комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини белгилаш ва аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги иш қандай бораётгани ҳақида ахборот берди. Нарх белгилашни такомиллаштириш, асосланган нархларни шакллантириш — бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган ишнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги айтилди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини белгилаш, товон тўлаш воситаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Шундан кейинги-на нарх белгилашни такомиллаштириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш мумкин.

Кенгаш Орол денгизи атрофидаги экология фалокатининг оқибатлари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Президент Кенгашининг аъзоси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т. Қаипбергенов денгизнинг тез қуриб бораётганлиги ва Орол атрофи чўлга айланаётганлиги тобора муқаррар тус олаётганини ўқтириб ўтди. Айни вақтда Ўрта Осиё регионининг кенг ҳудудидаги санитария-эпидемиология, ижтимоий-иқтисодий вазият ёмонлашмоқда.

Президент Кенгашининг аъзолари мазкур муаммоларни ҳал этиш учун Ўрта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистоннинг кучғайратларини бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Оролни сақлаб қолишнинг бирлашган республикаларо жамғармасини тузиш таклиф қилинди.

Президент Кенгашининг мажлисида Алишер Навоий юбилейини байрам қилиш, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов қатнашди.

КОМИССИЯЛАР ТУЗИЛДИ

ССЖИ Президентининг «ССЖИ давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун қабул этишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси қарори билан алмаштириб бериш учун белгиланган миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш учун молия, банк, маъмурий органлар иштирокида депутатлар комиссияси тузилди.

Тошкент шаҳридаги халқ депутатлари ноҳия Кенгашлари ҳам жойларда худди шундай комиссиялар туздилар. Бу комиссиялар телефонларини маълум қиламиз:

Акмал Икромов — 74-08-81
Бектемир — 92-48-19, 90-35-57
Киров — 35-02-31
Куйбишев — 32-08-97
Ленин — 54-96-62
Октябрь — 41-34-22
Сергели — 58-26-33
Фрунзе — 53-70-14
Чилонзор — 77-24-15
77-00-59
Ҳамза — 96-45-90
Собир Раҳимов — 48-33-02

Узбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг 1991 йил 23 январдаги Фармони билан ушбу комиссияларнинг ишлаш муддати 1991 йил 10 февралга қадар узайтирилди.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

«ОРЗУ»НИНГ ХАЙРЛИ ФАОЛИЯТИ

Совет болалар жамғармаси Узбекистон бўлимида тузилган болалар уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари иттифоқи жойларда хайрли ишларини олиб боришга киришди. Мазкур иттифоқ ҳузуридаги «Орзу» хўжалик ҳисобидаги туристик ишлаб чиқариш уюшмаси ҳам бу борада қатор ишларни режалаштириб қўйди.

Уюшма ўқувчилар билан яқин алоқа боғлаб, болалар уйлари ва мактаб - интернатлар учун беминнат хизмат кўрсатиш тадбирларини ҳам кўриб чиқдилар. Имтиёзли шароитлар асосида кўпгина бола Тошкентдан Урганчга тайёраларда олиб борилди. Бундай қулайликдан Қора Денгизга саёҳатга бориб келган болалар уйлари тарбияланувчилари ҳам баҳраманд бўлдилар.

«Сиз кимсиз?»-дан сўнг

Таниқли театр ва кино артисти М. Каменскийнинг жўшқин фаолияти ўзбек дилари билан ҳам яқиндан боғланган. Унинг «Илҳом» театр студияси саҳнасида ижро этган қатор образлари томошабинларга яхши маълум.

Кинорежиссёр Ж. Файзиев яратган фильмлардан бир нечтасида у етакчи ролларни ижро этди. «Сиз кимсиз?» деб аталган фильмда у ижро этган образ ҳаётий чиққан. Бугунги кунда режиссёр Ж. Файзиев суратга олаётган «Камми» янги экран асарида ҳам у ўзига берилган ролни муваффақиятли яратишга ҳаракат қилмоқда...

Шунингдек, кинорежиссёр Р. Маликов яратишга киришган «Қопқон» фильмига ҳам актёр М. Каменский таклиф этилди.

А. АЛИЕВ.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг фармони

ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1961 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 50 ВА 100 СЎМЛИК ПУЛ БЕЛГИЛАРИНИ ТЎЛОВ УЧУН ҚАБУЛ ЭТИШНИ ТЎХТАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОМОНАТЛАРИДАН НАҚД ПУЛ БЕРИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат аҳолиси жуда кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, чайқовчиликка, порахўрликка, тақиқланган фаолиятдан, даромад олишига, сохта пуллар ясалишига, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш учун ҳамда пул муомаласини ва истеъмол бозорини нормаллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг:

— ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини ҳамма турдаги тўловларга қабул этишни 1991 йил 23 январь ноль соатдан бошлаб тўхтатиш ҳамда уларни бошқа қимматларга эга бўлган пул белгиларига ва 1991 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотларга ССЖИ Вазирлар маҳкамаси белгилаган тартибда алмаштириб бериш тўғрисидаги;

— 1991 йилнинг биринчи ярмида, 1991 йил 23 январдан бошлаб Жамғарма банки муассасаларида ва бошқа ҳамма банкларда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул берилишини ойига энг кўпи 500 сўм билан чеклашни жорий этиш ҳақидаги;

— 1991 йилнинг 23 январидан бошлаб Жамғарма банкидаги ва бошқа банклардаги омонатлар эгаларининг мол ва хизмат ҳақини нақд пулсиз тўлаш учун маблағдан чекланмаган миқдорда фойдаланиш ҳуқуқини кўзда тутадиган тартиб ўрнатиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юқорида кўрсатилган пул белгиларини алмаштириб бериш ва муомаладан чиқариш тадбирлари қатъий бажарилишини таъминлаш учун:

— ССЖИ Давлат банки, ССЖИ Молия вазирлиги ва ССЖИ Давлат Хавфсизлиги Комитети ходимларнинг махсус гуруҳларини ташкил этиб, уларни жумҳуриятларнинг марказий (миллий) банкларига, ССЖИ Давлат банкининг жумҳурият банкларига юборсинлар. Мазкур гуруҳларга ушбу Фармонни бажариш устидан назорат қилиш, ҳатто зарурат бўлган тақдирда банк муассасаларини бевосита бошқариш вазифасини ўз зиммасига олишгача фавқулодда ваколатлар берилсин;

— ССЖИ Молия вазирлиги билан ССЖИ Давлат Хавфсизлиги Комитети ушбу Фармонни бажаришда жойлардаги банк муассасаларини, давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналарни, бирлашмаларни, ташкилотлар ва муассасаларни назорат қилишни ва уларга зарур ёрдам беришни ташкил этсинлар;

— ССЖИ Ички ишлар вазирлиги билан ССЖИ Давлат Хавфсизлиги Комитети банклардаги бойликларни муҳофаза қилишни ва шу бойликларни ташиш вақтида уларни қўриқлашни кучайтиришни таъминласинлар.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 январь.

ССЖИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1991 йил 22 январь

ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1961 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 50 ВА 100 СЎМЛИК ПУЛ БЕЛГИЛАРИНИ ТЎЛОВ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ҲАМДА УЛАРНИ АЛМАШТИРИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОМОНАТЛАРИДАН НАҚД ПУЛ БЕРИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ Президентининг «ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун қабул қилишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги 1991 йил 22 январь Фармонини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини ҳамма турдаги тўловлар учун қабул қилиш, шунингдек уларни банклар, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар томонидан бериш тўхтатилсин.

2. Барча давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар зиммасига 1991 йил 23 январь куни бошланиши билан ўз кассаларидаги ССЖИ Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари қолдиқларини ҳужжатлаштириб, уларни 1991 йил 23 январда 3 соат мобайнида ўзларига хизмат қилувчи давлат муассасасига топшириш мажбурияти юклатилади.

Банклар муассасалари пул белгиларининг мазкур қолдиқларини 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари мавжудлиги ҳақида тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжатнинг биринчи нусхаси асосида ёзиб қўйилган қиймати бўйича шартли ҳисобда қабул этиб, сўнгра ССЖИ Давлат банки белгилаган тартибда текширилгандан кейин мазкур пулни ташкилотнинг ҳисоб жорий варақасига ёзиб қўяди.

Ўз кассаларидаги пулнинг ўтувчи қолдиғини мустақил белгилайдиган кооперативлар ва бошқа ташкилотлар бўйича ССЖИ Давлат банки кассаларнинг топширилган қолдиқларини кооператив (ташкилот) ҳисобига ўтказиб ёзиш масалаларини ҳал этишда банк муассасалари фаолият соҳаси жиҳатидан кооператив (ташкилот) соҳасига ўхшаш давлат корхоналари ва ташкилотлари учун белгилаб қўйган энг кўп касса қолдиқларига асосланиб иш тутади.

3. Ишловчи фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириб бериш учун корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда раҳбарият, молия-ҳисоб шўъбалари, касаба уюшма комитетлари, меҳнат жамоаларининг кенгашлари вакилларидан камида 5 кишидан иборат комиссиялар тузилсин.

Корхона ва ташкилотлар 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни мазкур комиссиянинг қарорига биноан фақат корхона, бирлашма, ташкилот, муассаса штатида турган ходимларга, шунингдек вақтинча хизмат сафарига юборилган шахсларга уч кун мобайнида 1991 йил 23 январдан 25 январгача сўнгги иш йилидаги ўртача иш ҳақи миқдорида алмаштириб беради. Бунда айирбошланадиган пул миқдори бир ишловчи ҳисобига 1000 сўмдан ошиб кетиши мумкин эмас. Пулларни алмаштириб бериш қайдномасининг комиссия аъзолари имзолаган бир нусхаси хизмат қилувчи банк муассасасига топширилиши лозим.

Аризада белгиланган энг кўп миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллар борлиги маълум қилинганда корхона, ташкилот комиссияси алоҳида қайднома тузади, унинг бир нусхаси мазкур қимматга эга бўлган пулларни алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш юзасидан район (шаҳар) ижроия комитети ҳузурида махсус тузиладиган комиссияга топширилиши лозим.

Корхона ва ташкилотлар ходимлардан қабул қилиб олинган 1961 йил нусхасидаги ҳамма 50 ва 100 сўмлик пулларни хизмат қилувчи банк муассасасига 1991 йил 26 январдан кечикмай тегишли тарзда расмийлаштирилган қайдномаларнинг нусхалари билан бирга топширадилар.

Пенсионерларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини бошқа қимматга эга бўлган пулларга пенсияларни берувчи жамғарма банки муассасалари ёки почта ташкилотлари 200 сўмгача ёки ойлик пенсия миқдорида алмаштириб бериб, алмаштириш қайдномасини тузади. Ойлик пенсия миқдоридан ортиқча 50 ва 100 сўмлик пуллар миқдори пенсионерлардан аризага мувофиқ алмаштирилмасдан, алоҳида қайднома бўйича қабул этилади ва кўриб чиқиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияга топширилади. Алмаштириш қайдномалари моддий жавобгар шахсларнинг имзолари қўйилиб, алмаштириладиган ва қабул этилган пуллар билан биргаликда тегишли банк муассасасига 1991 йил 26 январдан кечикмай топширилади.

Доимий иш ва яшаш жойидан ташқарида даволанишда, дам олишда бўлган фуқаролар пулларини дам олиш уйларида, санаторийларда, касалхоналарда ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларида тузиладиган комиссияларда алмаштириб оладилар.

Дам олишда, даволанишда бўлган фуқароларга даволаш-профилактика муассасалари бир киши ҳисобига кўпи билан 500 сўм пулни алмаштириб бериб, алоҳида қайднома тузади, унинг бир нусхаси хизмат қилувчи банк муассасасига топширилади. Дам олувчининг, беморнинг қолган пули дам олиш уйи, санаторий, касалхона, бошқа даволаш-профилактика муассасаси томонидан дам олувчи, бемор ишлаб турган (пенсия, нафақа олаётган) корхона, ташкилот, муассаса номига телеграф орқали юбориш ҳақи олинмай, ўтказилади. Тўланган ҳақ миқдори маҳаллий молия идораси томонидан даволаш-профилактика муассасига Иттифоқ бюджетининг маблағлари ҳисобидан почта-телеграф корхонасининг квитанцияси (рейстерлари)га мувофиқ қопланади. Кўрсатилган пул жўнатмасини олган корхона, ташкилот, муассаса бу пулларни юқорида кўрсатилган тартибда, бундан аввал 500 сўм миқдорида алмаштириб берилганини ҳисобга олиб алмаштиради. Белгиланган миқдордан ортиқча пул учун алоҳида қайднома тузилиб, шундан кейин кўриб чиқиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияларга топширилади. Дам олишда, даволанишда бўлган фуқаролар юборган пуллар бўйича пулларни алмаштириб бериш ҳақидаги аризалар район (шаҳар) ижроия комитетлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан фуқаро даволаш-профилактика муассасасидан иш жойига қайтиб келганидан кейин уч кун мобайнида қабул қилинади.

Бошқа фуқаролар район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги айирбошлаш комиссияларига 50 ва 100 сўмлик пуллари борлигини маълум қилиб, уларни топширадилар.

Фуқаролар уч кун муддат ичида, яъни 1991 йил 26 январгача топширмаган пуллар алмаштириб берилмайди.

4. Алмаштириб бериш учун белгиланган миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллари алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузурида молия, банк, маъмурий органларнинг вакиллари иштирокида депутатларнинг комиссиялари тузилсин. Комиссиялар 10 кун муддатда фуқароларнинг аризаларига биноан даромад манбалари ва кўрсатилган қимматга эга бўлган пулни олганлиги асослилиги ва қонунийлигини кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ пулларни алмаштириб бериш ёки алмаштиришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилади.

Район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссиянинг пулни алмаштириб беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори ҳусусида шу мақсад учун махсус тузиладиган вилоят, ўлка, республика депутатлар комиссияларига шикоят қилиниши мумкин. Ана шу комиссияларнинг қарорлари узил-кесил ҳисобланади.

5. Фуқароларнинг белгиланган энг юқори миқдордан ортиқча 50 ва 100 сўмлик пулларни топшириш ҳақидаги аризаларида пуллар қандай топилганлиги: даромад манбаи ёки, мазкур пулни олган вақти ва жойи, уларнинг олиниши ва жамғарилиши қонунийлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиши керак. Ариза берувчи сабаблар ва асосларни тушунтирмаган белгиланган миқдордан ортиқча пулларни алмаштириб бериш масалаларини, шунингдек 1991 йил 15 январдан кейин топширилган аризаларни (3-бандда кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир) комиссиялар кўриб чиқмайди.

6. СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат божхона назорати Бош бошқармаси СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини 1991 йил 23 январдан 25 январгача СССРга ўтказмасин.

7. Ажнабий фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллари СССР ташқи иқтисодий банки муассасалари томонидан ёки ажнабий валюта билан операция бажарувчи банк муассасалари томонидан СССР ташқи иқтисодий банки муассасаларининг валютани айирбошлаш вақтида берган квитанциясига мувофиқ миқдорда 1991 йил 23—25 январь мобайнида алмаштириб берилади.

СССРдаги ажнабий давлатларнинг дипломатия, консуллик ва бошқа ваколатхоналарида ишловчи ажнабий фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотлари СССР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги дипломатик корпус билан ишлаш Бош бошқармаси орқали СССР Давлат банки билан келишилган тартибда алмаштириб берилади.

8. 1991 йил 23 январдан бошлаб 1991 йилнинг биринчи ярми учун барча банклар — СССР жамғарма банки, СССР Давлат банки, республикаларнинг марказий (миллий) банклари муассасаларида, тижорат, кооператив банкларда ва бошқа банк муассасаларида фуқаролар-нинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, омонатчи ой давомида ўз омонатидан фақат истиқомат (иш) жойидаги жамғарма банки муассасасида кўпи билан 500 сўм миқдорида нақд пул олиш ҳуқуқига эгадир (омонатдан нақд пул беришнинг кўрсатилган энг кўп нормаси 1991 йил 23 январдан 31 январгача бўлган даврга ҳам жорий этилади). Бунда иш ҳақи ва пенсияларни омонатларга нақд пулсиз ўтказиш юқорида кўрсатилган лимитга кирмайди.

СССР Давлат банки билан СССР жамғарма банки нақд пул беришнинг энг кўп миқдори — ойига 500 сўм бўлишига риоя этиш тартибини ўрнатсин.

Омонатчи СССР жамғарма банкининг ҳисоб-китоб чекларидан фойдаланиб, омонат (омонатлар) маблағларидан нақд пулсиз моллар сотиб олиш, хизматлар ҳақини тўлаш учун, шунингдек маблағларни бир омонатдан иккинчисига ўтказиш учун чекланмаган миқдорда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

9. Банк муассасаларида 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни қабул қилиш, топшириш, ҳисоб варақасига ўтказиш тартиби масалалари юзасидан қарорларни СССР Давлат банки қабул этади.

10. СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириб бериш ва муомаладан чиқариш тадбирлари қатъий бажарилишини таъминлаш учун СССР Давлат банкига, СССР Молия вазирлигига ва СССР Давлат Хавфсизлиги Комитетига СССР Президентининг фармони ва ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш юзасидан фавқулодда ваколатлар, ҳатто зарурат бўлган тақдирда банк муассасаларини бевосита бошқариш вазифасини ўз зиммасига олиш ҳуқуқи берилган махсус ходимлар гуруҳини республикаларнинг Марказий (миллий) банкларига, СССР Давлат банкининг республика банкларига юбориш топширилсин.

СССР Молия вазирлиги билан СССР Давлат Хавфсизлиги Комитети ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ҳамда жойларда банк муассасаларига, давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналарга, бирлашмаларга, ташкилотлар ва муассасаларга зарур ёрдам беришни ташкил этсинлар.

СССР Ички ишлар вазирлиги билан СССР Давлат Хавфсизлиги Комитети банклардаги бойликларни муҳофаза қилишни ва уларни ташиш вақтида қўриқлашни кучайтириш чораларини кўрсинлар.

Бош вазир В. ПАВЛОВ

ишлар мудири М. ШКАБАРДНЯ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1. Фуқароларнинг СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 22 январида қабул қилинган қарорининг амал қилиш муддатини узайтириш масалалари юзасидан кўп сонли мурожаатларини инобатга олиб, минтақа ва республикадаги пул муомаласининг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб, иттифоқ органлари билан келишилган ҳолда СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш қуйидаги муҳлатгача чўзилсин:

— барча давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотлари учун 1991 йил 24 январь куни соат 13.00 га қадар;

— фуқаролар учун 1 февралга қадар;

— шунга мувофиқ комиссияларнинг ишлаш муддати 1991 йил 10 февралига қадар узайтирилсин.

2. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш республика комиссияси зиммасига юклатилсин.

Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 23 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲЛАР

Узбекистон ССР Президенти республика ҳудудида СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш муддатларини узайтиришга қарор қилди.

Бу қарорнинг сабаблари қуйидагичадир.

Юртимизга хос бўлган хусусиятлар, миллий анъаналар, республикадаги турмуш тарзи туфайли аҳолининг кўпчилиги, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳоли тўйлар, маъракалар каби турли тадбирлар ва маросимларни ўтказиш, уй қуриш, томорқа участкаларига сарфлаш учун узоқ вақт мобайнида тоқ ва кийим-кечакдан тежаб пул жамғарганлар, улар одатда жамғарма кассалари хизматидан фойдаланишга кўникмаганлар. Бундан ташқари, 1990 йилда якка тартибда уй-жой қуриш учун аҳолига 700 миллион сўмдан кўпроқ қарз берилган.

Республикада 2 миллиондан ортиқ пенсионерлар, ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари борлиги, улар бутун ҳаётлари давомида маълум миқдорда пул жамғарганликлари ҳамда бу пулни шу қадар қисқа муддатда алмаштириш чоғида қийинчиликларга сўзсиз дуч келишлари эътиборга олинди.

Шунингдек, пул алмаштириш муддати қисқалиги сабабли келиб чиқадиган қийинчиликлар тўғрисида меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг жуда кўп мурожаатлари ҳам ҳисобга олинди.

Узбекистон ССР Президентининг фармони билан комиссияларнинг иши муддати ҳам узайтирилди.

Касбга меҳр

Шаҳримиздаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касбининг мутахассислари бўлган тикувчилар кўплаб ишлашади. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан ажралиб туради. Шундай тикувчилардан Рая Дебирова ва Ойпошша Алиевалар ўзларига топширилган вазифаларни ҳамиша масъулият билан адо этишмоқда.

Тошкент чинни заводида мураббийчилик ҳаракатига кенг эътибор берилган. Корхонага келган ёшлар, айниқса, Дилбар Тошкенбоева номини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки, бу мураббий ишчи 20 йилдан бери шу ерда ишлаб ёшларга касб сирларини сидқидилдан ўргатмоқда.

СУРАТДА: Дилбар Тошкенбоева (ўнгда) шогирдлари Раъно Аҳатова ва Малоҳат Ҳайдароваларга гул солиш сирларини ўргатмоқда.

Р. Шарипов ва Ҳ. Солиҳов суратлари.

Бозор бўсағасида

ЮТУҚЛАРИМИЗ РЕЖАЛАШТИРИБ ҚЎЙИЛГАН

Демоқда «Урал» — «Технезис-Инфо» Совет — Британия қўшма корхонаси Тошкент филиалининг директори В. Пак. Бу шунчаки гаплар эмас: атиги ярим йил ичида бажарилган ишлар ҳажми миллионлаб сўм билан ҳисобланади.

— Виталий Моисеевич, ўз имкониятларингизга ортиқча баҳо бериб юбормаяпсизми!

— Ишончимиз аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар ва ходимларнинг юксак маҳорати билан мустаҳкамланади. Айтмоқчи, ходимларни жуда талабчанлик билан саралаб олганмиз, электроника соҳасида яхши билимга эга бўлган кишиларнигина эмас, «ижодкорлик руҳи» ҳам бўлган кишиларни танлаганмиз.

Дастлаб филиал ташкил этилган пайтда фаолиятимизнинг қандай ривожланишини тасаввур этиш қийин эди, албатта. Лекин биз бир нарсани — «Урал» қўшма корхонасининг (унинг бош корхонаси Свердловск шаҳрида жойлашган) маҳсулоти — компьютер системалари ва программалаштириш воситалари ҳар қандай даражада рақобат қила олишини билардик, бу эса бизга муайян умид бағишлади. Ҳозир эса қўшма корхонамиз йиллик обороти ўнлаб миллион сўм билан ўлчанади, у программа-техника комплексларини кўплаб етказиб бермоқда. Мамлакатимизнинг ўзида «Урал»нинг 40 дан ортиқ катта ва кичик филиали бор.

— «Технезис-Инфо»нинг жумҳурият иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси қандай!

— Мамлакатдаги иқтисодий номутаносиблик, ишончли шерик ҳисобланган корхоналар билан қатъий шартномаларнинг йўқлиги саноат корхоналарининг ишига ҳалокатли таъсир қилмоқда. Эртанги кунга ишонмаслик раҳбарларни кўпроқ бевосита маҳсулот айирбош қилиш тўғрисида ўйлашга мажбур қилмоқда, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш тўғрисида ўйлашга уларнинг вақтлари ҳам бўлмаяпти. Уларни тушуниш мумкин. Лекин истиқболни кўзламай яшаб бўлмайди. Яширишнинг ҳожати йўқ, биз илғор технологияларни жорий этишда кўп йиллар орқада қолиб кетдик. Нима, келгусида ҳам қолоқлигимизча қолаверамизми?

Аммо биз харидорлар йўқлигидан шикоят қилмасак ҳам бўлади. Масалан, яқинда Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари илмгоҳини компьютер техника билан жиҳозладик. Жумҳуриятимиздаги саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналаридан яна бир қанча буюртмалар олганмиз, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ҳам таклифлар келган. Олмаота қандолат фабрикаси деярли барча бўлинмаларни ўз ичига оладиган автоматлаштирилган бошқарув системаси комплексини яратиш юзасидан техникавий топшириқларни ишлаб чиқишни таклиф қилди. Бунинг афзалликлари равшан. Илгари бошқарув соҳасида 200 дан ортиқ киши ишлаган бўлса, энди атиги 50 киши қолади. Қолган барча ишларни компьютер ўз зиммасига олади.

Программа-техника комплексларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кафолати билан созлаш ишимизнинг асосий йўналиши бўлса ҳам, биз фақат шу ишлар билан чекланиб қолмаяпмиз. Бундан ташқари турдош филиалларнинг электрон маҳсулотларини сотиш билан шуғулланамиз, уларга эса талаб катта. Плотерлар, ксероксларр, стол устига жойлашадиган босмахона, лазерли принтерлар — таклиф этилаётган молларнинг тўла бўлмаган рўйхати ана шулардир. Жумҳуриятда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Чунончи, ҳозирдаёқ биз «Кардиб» деб аталган ихчам ва ишончли диагностика комплексларини тавсия эта оламиз, улар шахсий компьютерлар билан жиҳозланган бўлиб, одамларнинг сиҳат-саломатлиги қандайлигини тез ва оммавий назорат қилишга имкон беради.

— Бозор муносабатларидан чўчимайсизми!

— Бироз чўчиб турибмиз, нима бўлишини олдиндан билиш қийин. Шунга қарамай, келажакка ишончимиз зўр. Тобора кўпроқ идоралар ва ташкилотлар «Технезис-Инфо» хизматидан фойдаланмоқда. Ҳолбуки, рақобатчиларимиз жуда кўп. Программа-техника комплексларини ҳақи тўланганда сўнг 24 соат ичида етказиб берамиз. Комплексни ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш ҳамда бир йил давомида кафолатли ремонт ишлари ҳақи ҳам шунга киради. Буюртмачининг истагига мувофиқ программа комплексларига техникавий хизмат кўрсатамиз, зарур программаларни ўзимиз ишлаб чиқамиз. Техника хусусида ҳозирча бирорта эътироз олганимиз йўқ. Бу — энг муҳими. Харидорларга бизнинг тез, ишончли, кафолатли ишлашимиз ёқади. Бозор ҳам айнан шу талабларни кўзди. Бинобарин, биз бозор муносабатларига ўтишга тайёрмиз, деб ўйлайман.

М. КИМ,
ЎзТАГ мухбири.

КПСС аъзоси Улфат Холиқова 1965 йилдан бери Тошкент ёғ-мой комбинатининг асосий лабораториясида самарали меҳнат қилиб келади. У катта лаборант сифатида корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Х. Мирзакаримов сурати.

ЯНГИ РУКН: «Танишинг: партия етакчилари»

«Партократия», «бюрократлар»... Кечагина партия қўмиталарида ишлаётган барча ходимларга ўйлаб ўтирмасдан шу ёрлиқлар ёпиштирилаверди. Тўғри, бундай лавозимдагилар ўртасида хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлар, ҳатто жиноят қилганлар ҳам бўлди. Улар тегишли жазосини олди.

Бугунги ўта мураккаб вазиятда партия қўмиталари, ташкилотларига ким етакчилик қилмоқда? Уларнинг дунёқараши қандай?

Бу муштарийларимиз учун қизиқарли деган фикрда «Танишинг: партия етакчилари» янги рукнини очишга қарор қилдик.

Халқимизда фидойи деган ажойиб сўз бор. Хўш, унинг маъноси нима! Фидойи бутун билимини, куч-қудратини халқига, элига бахшида этувчи Инсондир. Улар эртаю-кеч элим тўқ, юртим обод бўлсин дея куйиб-пишадилар, елиб-югурадилар. Афсуски, биз уларни доимо сезавермаймиз, ўрни келса бир оғиз илиқ сўз айтишга ҳам ожизлик қиламиз... Лекин улар ҳеч нарса тама қилмайдилар, ҳафа бўлмайдилар.

Шундай фидойилардан бири — Ўзбекистон Компартияси Октябрь ноҳия қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати С. К. Сандкаримовдир.

Махсус мухбиримиз у билан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорлари ҳақидаги фикрлари, ноҳия ҳудудида олиб борилаётган ишлар, умуман партия етакчисининг масъулияти ҳақида суҳбатлашди.

«КОММУНИСТ БОШҚАЛАРДАН АЖРАЛИБ ТУРИШИ КЕРАК»

СУҲБАТДОШИМИЗ Собир Каримович Сандкаримов 1943 йилда ишчи оиласида туғилган. 1960 йилда 28-ўрта мактабни тугатган. 1962 йили 5-ҳунар-техника билим юртини тугаллаб, кўн-атторлик фабрикасига йўлланма билан ишга келган. Ана шу корхона «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмасига айлангандан сўнг 1979 йилдан бошлаб бош директорлик қилган. 1990 йилда Октябрь ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланган.

— Собир Каримович, съездда асосан иккита масала кўрилди. Ўзбекистон Компартиясининг Устави ва Ҳаракат дастури қабул қилинди, қатор ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўллари белгиланди...

— Тўғри, съездгача фикрлар хилма хил эди. Бироқ съезд давомида кўпгина саволларга жавоб топилди. Фикрлар ойдинлашди. Партиянинг истиқболига тўлиқ ишонч ҳосил қилинди.

— Делегатлар кўпроқ қайси масала устида тўхталдилар?

— Ўз шахсий аризасига кўра партиядан чиққанларни қайтадан партияга қабул қилиш керак деган тортишув бўлди. Узоқ баҳслардан сўнг «қабул қилиш мумкин» деган фикрга келинди.

— Шу масала юзасидан сиз қандай фикрда эдингиз? Наҳотки, эътиқоддан кечган одамда яна эътиқод пайдо бўлса?

— Менда ҳам аввал иккиланиш бор эди. Чунки ҳозирги кунда баъзиларнинг салбий таъсирига тушиб қолаётган одамлар йўқ эмас. Партиядан ўз аризасига биноан чиққан кишилар билан гаплашганимда, эндиликда уларнинг кўпчилиги пушаймон бўляпти, афсусланяпти. Менимча, уларнинг фикрларини, савиясини ўрганиб, яна партияга қайта тикласак хато қилмаган бўламиз. Шу нуқтаи назардан таклиф қилинган қарорга қўшилдим. Уставдаги бошқа фикрларни бошқа делегат-коммунистлар қатори қўллаб-қувватлайман.

— Ўзбекистон Коммунистик партиясининг бугунги кунда халққа қилаётган ғамхўрлигини ҳамма тан оляпти. Бу, албатта, Ҳаракат дастурининг ҳаётга кўчаётганлиги натижасидир...

— Ҳаракат дастури лойиҳасининг муҳокамаси анча иш берди. Камчиликлар чуқур ўрганиб чиқилди. Жумҳуриятимиз Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ И. А. Каримовнинг маърузасида ҳам, муҳокамада қатнашган ўртоқларнинг нутқларида ҳам бугунги кўп қиррали ҳаётимиз ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди, камчиликларни бартараф этиш чоралари, режалар қайд қилинди. Бу Ҳаракат дастури айни пайтда бизнинг ишимизда катта дастуриламал сифатида хизмат қиляпти.

— Собир ака, айтинг-чи, партия лавозимида илгари ишлаш осон эдими ёки ҳозир?

— Илгари ишлаш осон эди, албатта. Чунки райком ҳар бир ишга раҳбарлик қилар эди. Ҳозир эса қийин ва мураккаб, Ҳаётимизни демократиялаштириш учун курашилаётган бир пайтда дўқ-пўписа қилиш, тазйиқ ўтказиш, жазолаш йўллари билан раҳбарлик қилиб бўлмайди. Бу иш усули бугунги кун партия ходими учун хос эмас.

— Хўш, унда бугунги кун партия раҳбари қандай иш тутиши керак?

— Партия раҳбари оддий коммунистдан ўзини устун тутмаслиги керак. У одамларни тушуниб етиши, фикр-мулоҳазаларини тинглай билиши, ўрганиши, фикр алмашиши лозим. Шунга қараб тавсия ва йўлланмалар бериш мумкин. Бўлаётган воқеаларни эса биргалашиб чуқур таҳлил этиб, маслаҳатлашиб, сўнг бир қарорга келиш керак. Энг муҳими, раҳбар ходим коммунистлардан, одамлардан ажралиб қолмаслиги керак.

— Ана шундагина партия обрўсини ва нуфузини ошириш мумкин, демоқчисиз-да?!.

— Ҳа-да, ҳар бир коммунист—хоҳ оиладами, хоҳ ишдами, дўстлар, одамлар даврасидами ҳар томонлама партияни ҳимоя қилиши, партия ҳал қилаётган масалаларни халққа етказиши, дил ва тил бирлигида иш олиб бориши лозим. Ишга ёлғон аралашмаслиги, кишиларга меҳр-оқибатли бўлиши, хулласи ҳар бир коммунист ўзининг ахлоқи, одоби ва қилаётган иши билан бошқалардан ажралиб туриши керак. Ана шундагина ўз-ўзидан партиянинг обрўси ошиб бораверади.

— Ҳозир кўп жойларда, шу жумладан Октябрь ноҳиясида ҳам кўпгина бошланғич партия ташкилотларига мустақиллик берилган. Улар бу ҳуқуқдан қандай фойдаланяптилар? Мустақилликни назоратсизлик деб тушунмаяптиларми?

— Тўғри, биз иложи борича мустақил иш юритиш имконини беряпмиз. Бизнинг вазифамиз — ҳар бир бошланғич партия ташкилоти билан мустаҳкам алоқада, биргаликда ишлаш, тавсия ва йўлланмалар беришдир. Шу йўсинда иш олиб боришни ҳар бир партия ташкилоти котиби тўғри тушунмаяпти. Натижада мустақилликни — ҳеч қандай иш қилмаслик, масъулятни ҳис этмаслик, назоратсизлик деб биляптилар. Масалан, «Узгоскомводстрой»нинг партия ташкилоти (котиби У. В. Мутолибов)да шундай вазиятга дуч келдик. Саккиз ой мобайнида бирор марта партия йиғилиши ўтказилмаган. Иш режаси йўқ. Партиявий ишларда ҳам, хўжалик ишларида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Ваҳоланки, бу ерда 200 дан ортиқ коммунист бор — катта куч. Аммо ишлар эса ўлда-жўлда. Тўғри, бунда райком ходимларининг ҳам маълум даражада айби, камчиликлари, эътиборсизликлари бор.

Бу билан нима демоқчиман, ҳали мустақил ишлаш учун кўпгина партия ташкилотлари тайёр ва етилган эмас. Улар буйруқбозликка ўрганиб қолишган. Негаки, ҳамма жойда ҳам партиянинг бугунги сиёсатини бирдек қўллаб-қувватлаб, олиб бориш бирдек эмас.

— Масалан, мисол келтиролмайсизми?

— Яқинда ноҳия соғлиқни сақлаш муассасаларида, мактабларда бўлдим. Жуда кўп шифохона ва мактабларимизда шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ижобий ўзгаришлар бор. Лекин бирорта жойда партия ташкилоти котибининг хонасини, кишилар сиёсий онгини оширувчи сиёсий ўқув хоналарини кўрмадим. Улар йўқ. Бирор бир эшикда «Партия ташкилоти котиби» деган ёзувга дуч келмайсиз. Демак, партиявий иш ҳам шунга яраша. Албатта бунга тегишли чоралар кўра бошладик. Бу ғам фақат бизнинг ноҳиямизга тегишли эмас, балки шаҳардаги аксарият мактаб ва тиббиёт муассасаларига тааллуқли десак, янглишмаймиз.

— Мана партия хўжалик ишларидан воз кечди. Саноат корхоналари ҳам райком «тазйиқи»дан ҳоли? Шу ҳолда у жойларда аҳвол не кечяпти?

— Гапингиз тўғри. Саноат корхоналари раҳбарларига тўла мустақиллик берилган. Ҳалиги гап. Уларда ҳам жавобгарлик масъулияти камайди. Илгари улар қўрқарди, қандайдир масъулиятни ҳис этиб туришарди. Чунки режа бажарилмаса партиявий жазо олардилар. Ҳозир эса тўла хотиржамликка берилиб кетдилар. Масъулият ҳисси жойида эмас. Масалан, саноатда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. Нега деб сўрасангиз, «Биз мустақилмиз, бизнинг ишга аралашманглар» деган жавобни эшитиш аниқ. Лекин корхона раҳбари, коммунист-раҳбар ўз жамоаси, виждони олдида масъулиятни ҳис этиши керак-ку! Режани бажаришдан манфаатдор бўлиши керак-ку!

Лекин улар ҳозир ҳеч кимдан, ҳатто тармоқ вазирлигидан ҳам чўчимайдилар.

— Советлар-чи, улар раҳбарлик қилмаяптиларми? Ахир ҳозир ҳокимият улар қўлида-ку!?.

— Йўқ, ҳозирча уларнинг ҳам тиши ўтмаяпти. Режани бажармаган раҳбарга чора кўриш тўғрисида қонун йўқ. Шунинг учун ҳам ишдаги камчилик ва масъулиятсизликлар учун жазо бермаслик ишга салбий таъсир қиляпти. Лекин биз вазиятни ўрганяпмиз, камчиликларни бартараф этиш йўлларини қидиряпмиз.

— Ҳозир кўп жойларда раҳбарни жамоа сайлаяпти. Лекин демократияга бошқача талқин бераётганлар ўзига тегишли, ҳамма нарсага «хўп-хўп» дейдиган одамларнинг номзодларини ўтказиб юборяптилар. Жавобгарликни ҳис этадиган, қатъий, виждонли коммунистлар четда қолиб кетяпти. Сиз бунга қандай қарайсиз? Партия ташкилотлари нега сust? Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда улар нега четга чиқиб қоляптилар?

— Бу жуда мураккаб савол. Бу ҳали биз кўп соҳаларда мустақил иш юритишга қодир эмаслигимиз натижасидир. Тўғри, жойларда «манман» деган фидойи кишилар четда қолиб, баъзилар раҳбар курсиларига турли йўллар билан чиқиб оляптилар. Бироқ партия ташкилотлари кадр танлашда ўз фикрини билдирмоқликлари керак.

Саноатда ҳам, қурилишда ҳам ва умуман кўпгина жойларда баъзи жамоалар талабчан, қатъий фикрли кишиларни сайлашдан чўчийдилар. Натижада «қўғирчоқ» раҳбар ишга панд беради.

— Маълумки, шаҳар миқёсида ҳам, ноҳия ҳудудида ҳам қурилиш ишларининг жадаллашуви, режаларнинг бажарилуви муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ноҳияда аҳвол қалай?

— Айниқса, қурилишдаги 1990 йил натижалари ҳеч кимни қониқтирмайди. Сиз айтганингиздек, жуда кўп муаммолар қурилиш билан боғлиқ. Лекин афсуски, уй-жой қурилиши режаси 74,6 фоиз бажарилди. Маҳаллий Кенгашлар кучи билан эса уй-жой қурилиши режаси 68,1 фоиз адо этилди, холос. Натижада 63869 квадрат метр уй-жой қурилмай қолди. Бу 120 оила уй-жойли бўлолмай қолди, деган сўз. Саноатда ҳам аҳвол шу. Шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш 99,6 фоиз бажарилган бўлса, энг муҳим кўрсаткич — халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш режаси район бўйича оқсаб қолди: 8 миллион 398 минг сўмлик маҳсулот тайёрланмай қолинди.

— Қурилишда ҳам, саноатда ҳам қурувчиларни, ишчиларни қўллаб-қувватлаб, қандайдир йўл билан ёрдам бериш имконияти йўқми?

— Ҳозирча йўқ. Тўғри, биз вазирлик ва бошқа қўмиталарнинг, бошқармаларнинг кучларидан тўла фойдалана олмадик. Вазирликларни жалб қилиш керак эди. Лекин ноҳиямиз ҳудудидаги айрим вазирликлар, катта-катта қўмиталардаги раҳбарлар райкомнинг фикрини инобатга олмасликка ҳаракат қиладилар.

Аксарият ҳолларда ўзларини коммунист эканликларини унутиб қўядилар. Агарда бирор бир масала кўтарилса, иложи борича ижобий ёндошмасликка уринадилар. Агар юқоридаги тўсиқлар, ўзибўларчиликлар енгилса қурилишларга ёрдам бериш иложи бор, албатта.

— Ўтган йили 224 киши ўз хоҳишига кўра КПСС сафидан ўчган экан. Лекин 339 киши партияга кирибди. Бу бошқа ноҳияларга нисбатан яхши кўрсаткич, албатта. Бундан ноҳияда ташкилотчилик ва тарғиботлик ишлари яхши йўлга қўйилган экан, деган хулоса чиқарса бўладими?

— Бизга ҳозир таъбир жоиз бўлса «тил»да ишлайдиганлар эмас, балки лаб-зи ҳалол, жонкуяр, партия ишига, элига садоқатли, жавобгарликни етарли даражада ҳис этадиган, ўз ишига жавоб бера оладиган ходимлар керак. Бизга қуруқ насиҳатчи, сафсатабозлар керак эмас.

— Собир Каримович, мана Сиз ноҳия Кенгашининг ҳам раисисиз? Иккита лавозим оғирлик қилмайдими?

— Ҳозирги кунда райком билан кенгашлар ишини алоҳида, деб фикр юритиш менимча нотўғри бўларди. Аксинча, ишни бир-бирига боғлаб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки ноҳия Кенгашидаги депутатларнинг 73 фоизи коммунистлардир. Улар орқали иш олиб бориш анча имкониятлар беради. Ҳар бир масалани ҳозир депутатлар комиссиясида муҳокама қилиб, сўнг раёсатга олиб чиқиляпти. Иш режалари тузилган. Шундай экан уларнинг орасига чегара қўйиш яхши эмас, деб ўйлайман. Бу ҳаётда ўз натижасини беряпти. Масалан, мен одамлар билан ташкилот, корхона ёки маҳаллаларда бирор бир масалани муҳокама қилганимда ўзимни райком котиби ёки кенгаш раиси деган тушунча билан муомила қилмайман, хулоса чиқармайман. Ҳар бир масалага, муаммога қандай ёндошиш керак бўлса шундай қиламан.

Умуман биз ҳозир шундай ишлашимиз керакки, обрў-эътибор талаб қилмаслигимиз керак. Мен «фалончиман» деб ҳуқуқимизни қидиришимиз бемаъниликдир. Ҳурмат ва эътибор меҳнат ортидан келади.

— Маълумки, Октябрь ноҳиясида шаҳарлардаги энг кўп маҳалла (56 та) жойлашган. Шу боис «Маҳалла» дастури қандай бажариляпти?

— Бу борада талайгина ишлар қилинди. Бундан маҳаллалар аҳли мамнун. Ҳар бир маҳаллада ижроқўм ходимлари иштирокида учрашувлар ўтказдик. Муаммолар жойида ҳал этиляпти. Ахборот бериляпти. Буюртмалар ёзиб олиниб, сўнг бажариляпти.

Маҳаллалардаги кўпгина масалалар қурилиш билан боғлиқ бўлганлиги учун ижроқўм қошида капитал қурилиш бўлими ташкил қилишни режалаштирдик. Шу орқали қурилиш масалаларини ҳал этамиз. Ҳозир Шаҳристон, Қоратош, Олмазор, Жарариқ даҳаларида қатор комплекс қурилишлар кетяпти.

— Бозор иқтисоднёти одамларни ташвишга соляпти. Қимматчилик бўлармиш, у бўлармиш, бу бўлармиш деган гаплар кўп. Ана шу вазиятда одамларда ишонч кайфиятини кўтариш учун қандай ишлар қилиняпти?

— Тушундим. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ҳам аҳоли хотиржамлигини таъминлашдир. Бизга митингбозликлар, тўполонлар керак эмас. Аксинча ҳар бир нарсани ақл билан ўлчаб, ўлчаганда ҳам етти ўлчаб, бир кесмоқ зарур. Кишиларга тўғри ахборот берилсагина, миш-мишларга ўрин қолмайди. Меҳнат жамоаларида кайфиятни кўтаришимиз керак. Биргина бизнинг ноҳиямизда ўтган йили 200 тонна кўп пахта ёғи сотилган. Яна қанақа ваҳима бўлиши мумкин?

Ҳозир корхоналар жамоаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўяяпмиз. Масалан, «Ташполиграфкомбинат» бир неча хўжаликлар билан шартнома тузган. «Шарқ гули» бирлашмасида сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. «Орзу» бирлашмасида ўзи ишлаб чиқарган пиширириқлар, нон ва нон маҳсулотлари сотиляпти. Хуллас, аҳолининг рўзғорини бут қилиш йўлида тинимсиз ишлаяпмиз. Партиямизнинг асосий мақсади ҳам шудир.

Суҳбатдош Тўхтамурод ТОШЕВ.

Жумҳурият бўйлаб

ТАНДИРДАН УЗИБ, ПЕШТАХТАГА

Гулистон нон заводи ҳузурида «Иссиқ нон» дўкони очилди. Бу шаҳар учун тамомила янгича ишлаб чиқариш ва савдо корхонасидир. Дўкон ҳузуридаги новвойхона чет элда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда ёпилаётган 40 хил нонни тайёрлаш технологияси ҳам бутунлай ўзгарди. Булар орасида жумҳуриятда ҳозирнинг ўзидаёқ ном чиқарган «француз» батони, турли булочкалар, бошқа мазали нонлар бор.

Бу новвойхона учун жой тайёрлашда эски бинолардан фойдаланилди. Реконструкция ва машина-ускуналарни ўрнатиш ишларини завод ходимларининг ўзлари бажардилар. Фақат савдо залини жиҳозлашгина профессионал қурувчиларга ва рассомларга топширилди.

Энди бешта корхона Гулистонликларга нонни тандирдан узилиши билан иссиқ сотмоқда.

ФЕРМЕРЛАР ҚАНДАЙ МЕҲНАТ ҚИЛИШЯПТИ

Хонқа районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигида яшовчи Қаландар Қурбоновнинг оиласий фермаси ўтган йили 10 минг сўмдан кўпроқ соф даромад олди. Фермерлар 4,5 тонна мол гўшти ва 25 тонна сут топширдилар.

Жамоа хўжалиги фахрийларининг кўп болали оиласига йил бошида 3 гектар ҳайдаладиган ер ажратиб берилган эди. Бу 30 бош қорамолни боқиш учун етарли бўлиб чиқди. Қишга ҳам бежалол етадиган ем-хашак ғамлаб қўйилди. Оилада сут соғувчилар ҳам, молбоқарлар ҳам, ўроқчилар ҳам, қурувчилар ҳам бор.

Оила ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўз томорқа участкасида ҳовлили молхона қурди. Унинг ёнгинасидан қудуқ қазишди, сут соғиш агрегатлари, флягалар сотиб олишди.

Фермернинг бу йилги режалари катта. У поданн икки баравар кўпайтириб, давлатга камида 10 тонна гўшт ва 40 тонна сут сотишга аҳд қилган. Бу ҳисоб-китоблар пуч эмас. Оила бюджетига эса бундай ишлаш қариб 70 минг сўм фойда келтиради.

ҲАЁТ ЧАРАҚЛАГАН ОСМОН ЭМАС...

⊙ Онла бахти — хонадон аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва тотувликда. Аҳиллик эса каттаҳарнинг саховати, улуғлигида, фарзандларнинг қобилиятида, ота-она ҳурматини жойига қўя олишдадир.

Умр савдоси — қийин савдо, дейдилар. Ҳаёт кўрганлар, турмуш фақат хурсандчиликдан иборат эмаслигини, унинг қувончи билан ташвиши ҳам ёнма-ён юришини яхши билишади.

ИИГИТ-қиз турмуш деб аталувчи янги ҳаётга кирар эканлар, унинг орзу-умиди ва масъулиятли ҳамма томонини зиммаларига олиб, тақдирларини бир-бирлари билан боғлайдилар. Лекин ҳаёт ҳамиша ҳам тинч, серҳаловат, қувончли кунларни ато қилавермайди. Унинг жонга аччиқ оғриқ солувчи, инсон сабот-бардоши, иродасини синовчи, меҳр-муҳаббати, шафқати даражасини белгиловчи мезони ҳам бўлади.

Турмуш жуда мураккаб нарса. Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, деган эди бир доно. Бахтсиз оилаларнинг эса, ҳар бири ўзича бахтсиздир. Ажралиш сабаблари турлича ва изланса баҳона ҳам кўп бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолларнинг ҳаммасида эркак ҳам, аёл ҳам инсоф юзасидан иш тутмоғи лозим.

Турмуш қураётганда инсон олдида юксак масъулият турганлигини ҳис қилишни, ажралишаётганда бир-бирига нисбатан одамгарчиликни йўқотмасликни ва болалар учун янада кўпроқ масъулият сезишни ёшларимизга сингдиришимиз керак. Кимки, ҳаёт ҳамиша чарақлаб турган мовий осмон, деб тушунса жиддий хато қилади. Бахтга ҳеч ким меҳнатсиз, ғамташвишсиз, курашсиз эришиб олмаслигини, бунинг учун оила бахтини авайлаб-асрашга, оила шаънини ҳимоя қилишга фарзандларимизни ўргатишимиз керак.

Маълумки, оилада рўзғор ташвиши кўпроқ аёл зиммасига тушади. У уйни саранжом-саришта, тутиши, дид билан безатиши, турмуш ўртоғига ҳурмат, илтифот билан қараши, ғамташвиши ва шодлигига шерик бўлиши лозим.

Мана шу ўринда эркакларнинг ёлғиз ўзига оталар, эрлар, акалар, укалар, куёвларга айтадиган бир мулоҳазали гапим бор. Биламан, кўпларингиз ҳаётга теран қарайдиган, элнинг олдида юрадиган кишиларсиз. Яна биламанки, кўпларингиз «Оила фароғати — хотиндан», «Аёл — оила чироғи», «Она — хонадон устуни» дейдиган чиройли гапларни жуда яхши биласиз. Биламанки, уйингиздаги ардоқли кишилар — онангиз, йўлдошингиз, синглингиз, эгачингизни саккизинчи мартларда осмону фалакка чиқариб қўясиз. Буларнинг ҳаммасини самимий, юракдан адо этасиз, албатта. Аммо йилнинг қолган 364 кунида сизнинг кайфиятингизни созлаб, ҳаётга қизиқишингизни кўтариб, рўзғорингизни бутлаб, яна сиз билан ёнма-ён, худди сиздек жамиятнинг вазифасини уддалаш учун шу бир кунгина ардоқли қилганингиз етармикан? Сизнинг унинг қовоғининг тушиб кетмаслиги, табассуми сўнмаслиги учун шу бир кунгина кўкка кўтарганингиз етармикан? Тўғри, ардоқлигингиз бетоб бўлса бошингизни қайга уришни билмайсиз, жонингизни унга беришга (фақат у тузалса бас!) тайёрсиз. Лекин нафсиламбирини айтганда, уни шу аҳволга солиб қўйган ўзингиз эмасми? Айрим опа-сингилларимизнинг ҳаётдан, хонадонидан, ҳатто сиздан, бола-чақасидан ҳафсаласи пир бўлиши, баъзан безишининг сабаби, ундан ҳамиша катта нарса талаб қилиб, ўзимизнинг унга, вужудига ором, қалбига озиқ бера олмаётганимизда, ардоқли кишимизнинг аёвсиз эзилаётганида эмасми? Ана шулар устида бир ўйлаб кўринг-а, азизлар.

Уйда, оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, самимият ва хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам муносабатлари таркиб топса, бу оила аъзоларининг кайфияти ҳамиша чоғ бўлади, улар умрбоқий ҳаёт кечирадилар. Оилавий жанжаллар оила аъзоларининг асабийлашуви, хасталикларга олиб келади. Нега кўпинча ишда, турли идораларда ҳулқи-феъли бир-бирига ўхшамаган кишилар бир-бирларининг асабини аяб, аҳил меҳнат қиладилар, паст тушиб, баланд чиқиб, муроса қиладилару, уйда, энг яқин бўлган кишиларга нисбатан шундай қила олмайдилар.

Оилавий муносабатларда қизмонанд, қайнана, куёв ва бошқаларнинг ҳурматиззати, бир-бирларига меҳр-оқибатлари арзимаган нарсалардан йўқотилади. Мана, бир неча ҳаётий лавҳалар билан танишайлик:

Қизнинг онаси куёвни менсимай қизига дейди:

«—Пешонам қурсин, куёвдан ёлчимадим, ҳали ман шу чоққача қўлимни қуйдириб, ёғини билагимдан оқизиб ошни еган жойим йўқ».

Куёв қайнанасини бирор байрам билан табриклагани келадиган бўлса ҳам, калондимоғлик қилади:

«— Эрингга айт, келмасин, башарасини кўргани тоқатим йўқ, келмасаям кўнглим бирдай».

Буни қиз келиб эрига айтади. Шундан кейин куёв қайнананикига на байрам, на бошқа пайтда кўргани боради. Хуллас, эр-хотин вақти келиб уришиб қолиб, хотин уйга кетиб қолади.

Қайната-қайнана куёвнинг уйига тўполон қилиб келишади. Шунда куёв: «Ойи, қизингизга шунақа деб айтар экансиз, мен қандай қилиб бораман» деса, она куёвга қараб: «Ойи дема мени!.. Ҳа, шундай деганман, нимайди», деб сансирайди. Куёвнинг янгаси тўйдан олдин бориб, қайнисини бор гапни айтиб мақтаган бўлади. Шунда қуда хола янгага ёпишиб кетади: «Мана сен мақтаган қайнинг, у қилдинг-бу қилдинг қизимнинг бахтини қора қилдинг, жувонмарг бўлгин», — дея янгани қарғаб кетади. Шунда янга қуда холага қараб айтади: «Ҳозир ҳам мақтайман. Ичмаса, чекмаса, ёмонга юрмаса, топганини уйга ташиса, кеч бўлди уйига келса, яна нима керак сизнинг қизингизга», дейди.

Шунда қуда хола куёвига қўлини бигиз қилади: «Шу-я, шу рўзғорини бут қилар эканми?.. Тупурдим бунинг қилган рўзғорига, бошини кетига уламай қилган рўзғорига», дейди. Янга камтарона гапиради: «Тўғри, қуда хола, қоплаб қилолмас, лекин ўзига яраша қилади, қора қозони қайнаб турибди, бировдан қарзи йўқ, бировдан кам жойиям йўқ. Тўғри, лекин ойликдан орттириб қизингизга ҳар ойда 300-400 сўмлик кўйлак, тилла тақинчоқлар олиб беролмайди, чунки ойликка яшайди, уч фарзанди бор».

Қарангки, уч фарзандни, эрни ташлаб қиз уйига кетиб қолди. Болаларга, куёвга янга қараб турибди. Бундай машмашалар доимо бўлиб турар эди. Ҳар галги оилавий уришда қайнатакайнана куёвнинг олдига тўполон қилиб келаверарди. Бирор маротаба қизга насиҳат қилиб, уйингдан тинчиб ўтиргин, деган эмас.

Қиз доимо уйига келиб отаси олиб берган нарсалару қилган мол-дунёсини, уйидан еб келган таомлари-ю, хўл меваларга тўйдириб юборишганини доимо куёвга писанда қилаверарди. Жонига теккан куёв: «Ўйингдан қани бирор нарса олиб келгин, мен сени нима қилар эканман», деб сўкади, Хотин эрни гадодан олиб гадога солади. Хуллас, мана шунақанги арзимас гаплар билан икки ўртада болалар сарсон. Шу билан бирга, икки томондаги оиланинг на ейишида, на ичишида ҳузур-ҳаловат бор.

Мана бу воқеа ҳам кўнгилсизлик чиқаради.

Куёв қайнанага айтади: «Ойи, қизингиз жуда кўп исрофгарчилиққа йўл қўяди. Нонлар кастрюлькада моғор босиб ётади, ҳатто мол ҳам емайди».

Қайнона бобиллаб кетади: «Вой, нега нонни увол қилади... Болалари қачон қараса бир бурда нонга зор бўлиб юради-ю».

Бундан нафратланиб кетган янга қуда холага қараб: «Ўялмайсизми қуда хола, шунақа гапларни гапиргани, ҳар куни уйга нонсиз кириб келмайди, сиз биласизми ё менми», деб қуда холани оғзига гап билан уради.

Хуллас, қизларимиз уйдан ўтганини — суюқ ичганими, қаттиқ еганими, ҳаммасини ипидан игнасигача нариги уйидагиларга етказаверса турмуши осуда ўтмас экан.

Одатда уйдан ҳамма нарса ўтади, ўтмай иложи йўқ. Менинг онам айтар эдилар:

— Болам, эркак кишининг жаҳли чиқса бақиради. Шунда сен битта гапдан қолсанг олам гулистон бўлади. Турмуш қурган уйинг жирини жийлаб, тош келса кемириб, сув келса симириб тинч ўтиргин. Менинг ажратиб оладиган қизим йўқ.

Ҳаётни кузатган, турмуш тажрибасини бошидан кечирган ақли зукко кишилар муроса-ю мадорани яхши билишади. Одатда ёшларнинг юриш-туриши, хулқатворига қараб, ота-оналари ким, қандай тарбия топганлари ҳақида ҳукм чиқарамиз. Хушхулқ, ҳуштакаллуф, солиҳ фарзандларни учратганда қувонамиз. Шаънларига яхши гаплар айтамиз: «Отангизга раҳмат!», «Баракалла, ота ўғил экансиз», «Отангиз яхши инсон эдилар...», «Камол топинг», «Мартабангиз улуғ бўлсин», «Кам бўлманг».

Фарзанд яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам: «Отасига тортибди», «Онасига ўхшабди» — деймиз. Албатта бу бежиз айтилмаган. Ўғил уйлантириш, қиз чиқариш тараддудида юрган ота-она удумимизга кўра ота-онаси, наслнасабини суриштиради. Бу яхши одат. Бунга амал қилмай «куйиб» қолганлар йўқ эмас.

Қизларга ҳар гал шу нарсаларни айтиб, қулоқларига қуярдим:

— Эрингни ҳурмат қил, тилингга эҳтиёт бўл. Қайната-қайнанангни сийла, хизматларига оғринма, ўйнабкулиб бажар.

Қариялар бор уйда файз бор, келди-кетди бор. Эшикдан қари келадими, ёш келадими, яхши кутиб ол, ҳурматини жойига қўй, зинҳор оғринма, шундай қилсанг, қайната-қайнанангнинг кўнгиллари шод бўлади, болажоним... Ота-она ҳам ғанимат, вақти келиб армон қилиб юрмагин. Ўзинг ҳам умид билан ўғил-қиз ўстираяпсан. Бу бир томондан болаларингга ибрат, иккинчидан, ота-онага раҳмат келтирсанг, биз ҳам сендан рози бўламиз.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар олий илмгоҳининг катта ўқитувчиси, доцент.

Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

Офицер бўлиш шарафи

Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармонида офицерлар составини тайёрлаш мақсадида туб миллатга мансуб йигитларни танлаш ва уларни ҳарбий ўқув юртларига юбориш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб бориш зарурлиги алоҳида кўрсатилиб ўтилган.

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номли Ленин орденли танк командирлари Тошкент Олий билим юрти офицер кадрлар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳозир кўплаб миллат вакиллари таҳсил кўришяпти. Улар орасида ўзбек йигитлари оз эмас.

Ёшлар ўқув машғулотларини замонавий техник қуроллар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналарда ўтказмоқдалар. Ҳарбий билим сирларини пухта эгалламоқдалар. Машғулотларни олиб бориш учун ҳарбий мутахассислар жалб қилинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги катта ҳаёт тажрибасига эгадирлар. Ана шу тарбиячиларнинг ўзлари ҳам бир вақтлар ушбу билим даргоҳида таҳсил кўришган.

Бўлажак офицерларнинг яхши яшаб, ўқиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Бу эса ҳарбий ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Тошкентлик Воҳид Соипқулов, бухоролик Шўҳназар Рўзимов, сурхондарёлик Алишер Жалилов, фарғоналик Фахриддин Мамараҳимов ва бошқа кўплаб курсантлар бу ишда барчага намуна бўлишяпти, ўз командирлари, қолаверса, бутун шахсий состав ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар.

Курсант Фахриддин Мамараҳимов бу ерга рус тили чуқур ўргатиладиган ва ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кучайтирилган жумҳурият махсус мактаб-интернатини битириб келган. У яқинда билим юртида ўтказилган «Қардошларча дўстлик билан кучлимиз» анжуманида энг яхши курсант сифатида шарафланди.

— Мен болалигимданоқ офицер бўлишни орзу қилардим. Мана, бу орзуим ушалмоқда, — дейди Фахриддин Мамараҳимов. — Бу ерда турли миллатга мансуб кўплаб дўстлар орттирдим. Улар орасида ўзбеклар ва руслар, тожиклар ва молдованлар, қозоқлар ва қирғизлар, бошқа миллат фарзандлари бор. Бизларнинг ҳар биримиз ўз миллий анъаналаримизни эъзозлаймиз ва ҳурмат қиламиз, аҳиллиқда гап кўп эканлигини яхши тушунамиз.

Бу ёшлар бир неча йилдан кейин билим юртини тугаллаб, офицер деган шарафли ном эгаси бўладилар. Уларга тантанали вазиятда дипломлар топширилади. Шундан кейин эса улар мамлакатимизнинг турли ҳарбий қисмларида шарафли хизматни бошлаб юборадилар.

— Билим юртининг бутун шахсий состави Ўзбекистон ССР Президенти фармонини бенуқсон бажаришга интилмоқда, — дейди ёшлар мураббийси, рота командири майор В. Музика. — Мақсадимиз маҳаллий миллат ёшлари орасидан қоявий чиниққан, малакали офицерлар тайёрлашдан иборат.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Аёл! Биргина шу сўзда ҳаёт ўз ифодасини топган. Аёл — она, аёл — заҳматкаш, аёл —меҳр-муҳаббат тимсоли, унинг қалби қуёш мисоли башариятга нур сочиб туради. Жамоатчи мухбиримиз И. Шербек бу сурат-лавҳасини «Аёл назокати» деб атабди.

Дидингиз юксалади

МАКТАБ таълимида тасвирий санъат ва бадиий меҳнат ҳам етакчи ўрин тутади. Ўқитувчи ва ўқувчиларни мазкур фанларга доир зарур ўқув қўлланмалар ва дарсликлар билан қуроллантириш йўлида Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси дастлабки ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда кўп нусхада чоп этилган монография ўқитувчиларга яхши совға бўлди. «Ўзбек мактабларида бадиий таълим ва тарбиянинг методик асослари» деб номланган ушбу китобда тасвирий санъат ва бадиий меҳнатдан дарслар ўтишнинг ўзига хос методик томонлари таҳлилига ҳам алоҳида ўрин берилган.

«Тасвирий санъат ва бадиий меҳнатни тахминий режалаштириш» қўлланмаси эса 1-4-синфлар бўйича тузилган бўлиб, янги талаблар асосида машғулотлар олиб боришда ўқитувчиларга ёрдам беради.

Саодат ОДИЛОВА.

ҚОЗОҚ ХАЛҚ НАҚЛЛАРИ

Кўзинг сулув бўлмасада,
Сўзинг сулув бўлсин.

⊙

Одам тили билан
Олам гули билан гўзал.

⊙

Аясини кўру, отанинг
Сўзини ол.
Ҳаёсини кўру, қизнинг
Ўзини ол!

⊙

Меҳр тили — унсиз тил,
Кўздан кўру, дилдан бил!

⊙

Тоққа чиқиб узоқни
Кўзлагандан кўра,
Ақл чўққисига чиқиб,
Бахтингни изла!

⊙

Оқил фарзанд доим
Тотли сўз айтар.

Онангга не қайтарсанг,
Болангдан қайтар!

⊙

Дилларни ғаш қилиб
Юргандан қўрқ.
Чўнтакка тош солиб
Юргандан қўрқ!

⊙

Аҳмоқ билан бўлсанг
фикрдош,
Билиб-билмай сиринг
қилур фош.

⊙

Душман билан сирдош
бўлсанг
Юртинг кетади.
Бебурд билан ошно
бўлсанг,
Бурдинг кетади!

Тўпловчи
Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.



Қиш манзаралари



СУРАТЛАРДА: шаҳримизга ёққан қор бутун борлиқни эгаллади.

А. Жданов ва Т. Шодиев сурат-лавҳаси.

Маънавий қадриятларимиз

АҚЛ ҲИКМАТДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

ҚАДИМГИ юнон файласуфи Суқротдан сўрадилар:

— Сиз катталардан кўра ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият берасиз. Бунинг сабаби нима?

Суқрот шундай жавоб берди:

— Ёшлар дарахт ниҳолига ўхшайдилар, қандай эгсанг, шундай эгиладилар, менинг ваъз-насиҳатларимни тошга муҳр ўйгандек кўнгилларига жойлаштириб оладилар. Шунинг учун мен уларнинг тарбиясига кўпроқ эътибор бераман.

Дарҳақиқат, ёшлар тарбияси билан унинг мурғаклик давриданоқ шуғулланиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Халқимиз қадимдан тарбияни ҳеч қачон шахсий бир кишининг иши деб билмаган. Эзгулик, яхшилик, одоб-ахлоқни муқаддаслаштириб, ҳар бир кишига ёшликдан шу қоидаларга амал қилишни ўргатиб, назорат этиб турганлар.

Халқимизда шундай урф-одатлар, удумлар бор-ки, уларга амал қилишнинг ўзи кишини тарбиялаб қўйганини билмай қоласиз. Биз, болаларимизни ҳар қандай тарбиявий даргоҳларга жалб этмайлик, лекин тарбиянинг боши ҳам, яхши тарбиячи ҳам кенг жамоатчилик, оила ва маҳалла аҳлидир. Боланинг атрофидаги муҳит ҳар қандай тарбиячидан улуғдир. Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», деган ажойиб нақл бор. Лекин кейинги вақтларда ана шу нақлга амал қилиб, ота-боболаримизнинг яхши ҳикматларини давом эттирмай қўйдик.

Биз ҳаммамиз болаларни ўзига ҳам, ўзгага ҳам зиён етказадиган ҳаракатлардан сақлашимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, унинг хулқини назорат қилиш даркор. Одоби, батартиб фарзандни рағбатлантириш керак бўлади. Агар бола яхши хулқатвордан ҳоли бўлса, у ҳолда болани жазолаш йўли билан бўлса ҳам мўмин-қобиллиққа ўргатиш зарур.

Яқинда қўшнимнинг Дилноза исмли тўрт ёшли қизи болаларга хос энтиккиб: «Амаки, амаки, роса кўп салом беруздим, адам бойиб кетиб машина олдилар», — деди. Кейин билсам, боланинг катта ёшли тоғаси ҳамма жиянларига «Ким ўзидан катта ёшли одамларга салом берса, адаси бой бўлади, салом бермаса камбағал бўлиб қолади», — деб насиҳат қиларкан.

Дарҳақиқат, ушбу хонадоннинг ҳамма кичик ёшдаги болалари саломни ҳеч канда қилмайдилар. Маънавий рағбатлантириш билан ҳар қандай бола қалбига йўл топса бўлади.

Худди кечагидек ёдимда. Ёшлигимизда бизнинг кўчамизда нуроний, жуда файзли кексаларимиз бўлар эди. Отахонлар қайси ёш бола «Ассалому алайкум» деб уларга пешвоз чиқса, албатта, қурт ёки конфет билан сийлашар эди. Уларнинг чўнтакларида, албатта, бирорта рағбатлантирадиган нарсалари бўлар эди. Биз эса уларнинг кўчадан ўтадиган вақтларини атиндан пойлаб ўтирардик. Меҳрга тўла бу нуронийларнинг яхши хислатлари шу тариқа бизнинг авлодга ўрнак бўлиб қолди. Ҳозир эса бундай яхши хислатли кишиларнинг камайиб кетганига ачинаман

Нонга бўлган эъзозни ҳам оталаримиз жуда муқаддас, деб билардилар. Унга нисбатан беҳурматликми, увол қилишни кўрган заҳотиёқ танбеҳ берардилар. «Ерга ташлама, кўр бўлиб қоласан», — деган сўзлар ҳар бир боланинг танасига атак-чечак қила бошлаган кундан сингдирилар эди. Беихтиёрдан ерга тушиб кетган нонни уч марта ўпиб пешонасига босиб қўйишни аввал ўзлари кўрсатиб берар ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эдилар. Ҳозир мактаб ошхоналарида ва жамоат жойларида ерда ётган нонни эъзозлаб пешонасига суртган болани деярли учратмайсиз. Билъакс, нонинг хор бўлиб, чиқитга чиқиб кетаётганлигини кўриб кишининг юраги орқага тортиб кетади. Нон дўконидан то уйгача ёпиқ халтачаларда нон олиб келиш қонун эди. Унга риоя қилмаганларни қаттиқ койир эдилар. Нонга нисбатан шундай ёзилмаган қонунларимиз нима учун кундан-кунга ёдимиздан кўтарилиб кетаётганлигини ақлимга сиғдиролмайман. Орамизда нон қиммат бўлса, унга нисбатан ҳурмат ортади, деб ўзини овутиб юрган кишилар ҳам йўқ эмас. Бу хато фикр. Нон қандай нархда бўлмасин унга нисбатан ота-боболаримиз кўрсатган қадриятларни тиклаш ва унга амал қилиш шарт.

Яқинда ёши анча улуғ кишилар билан қиз тўйи ошига бордик. Фотиҳа тортилиши билан тўйдаги хизматчилар янги меҳмонлар олдига битта бутун патир нонинг устига бир қисм майиз ва бир бурда ҳолва билан дастурхон ўртасига қўйиб кетди. Нонга яқин ўтирган кишилардан бири уни ушата бошлади. Буни узоқдан кузатиб турган отахонлардан бири шундай танбеҳ берди:

— Ўғлим, нонни синдиришдан олдин яхши ният қилинг. Ёшларга бахт-саодат тиланг. Кейин патирни орқа томонга эмас, балки олдинга қаратиб ушатилади. Шунда бўлажак келин ва куёвнинг бахти очилади, қўша қариб нондек азиз бўлиб яшайдилар, — деди.

Дарҳақиқат, даврада ўтирганларнинг кўпчилиги қизга аталган патир нонни ушатиш қоидаларини билмас эканлар. Улар учун ушбу панд-насиҳатлар яхши дарс бўлди. Отахон дуо қила туриб майиздан ҳам ният қилиб икки донасини патирдан кейин едилар. Нақадар ажойиб кексаларимиз бор.

Ҳа, биз ўрта ва кекса авлод фарзандларимизга яхши ўрнак кўрсатишимиз, халқ анъаналарига бўлган ҳурматни мужассам этиб, уларга ўзимиз ҳам риоя қилишимиз даркор. Авлодларимизнинг яхши удумларини улар ўтиб кетмасдан олиб қолайлик. Болаларга бўлган масъулиятни чуқур ҳис этишимиз, айниқса ҳозирги мураккаб кунларда жуда зарур. Фарзандга шундай шароит яратиш керакки, аввало барча иноқ бўлиб, оилада қарияларга ҳурмат руҳи ҳукмрон бўлсин. Шунингдек, қўни-қўшнилар, дўстлар ва қавму қариндошлар билан узвий алоқа тўхтатилмасин. Болани софдил, камтарлик ва уйғунлик ҳукмрон бўлган оилада камол топишига не етсин. Ота-она ўртасидаги вафосизлик, ғайирлик, ёши улуғларимизнинг насиҳат қилишдан тийилишлари эртанги авлодимизнинг маънавий оламига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Гапни Суқротдан бошлаган эдик. Афлотун Ҳакимнинг ушбу сўзларига ота-боболаримиз ҳамиша риоя қилган бўлсалар ажаб эмас.

— Баданнинг қуввати — овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади.

Ушбу сатрларни ўқиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳар қандай одоб қоидаларига, ҳадису ҳикматларга нақадар муҳтож эканликларини яна бир карра кўрасан, киши. Жиноятчиликнинг кундан-кунга кўпайиши, андишасизлик, ноз-неъматларга, инсонга беҳурматлик кучайган бир шароитда зора қадриятларимиз тикланиб, тарбиямизга ижобий таъсир кўрсатса, деб умид қиламан.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳиясидаги 138-мактаб ўқитувчиси.

Ёш авлод — келажагимиз, чин инсон бўлиб етишса фахримиз, ғуруримиздир. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни болалик пайтидан одоб-ахлоқли, идрок-ирода ли ва илм-фанни севган кишилар қилиб тарбиялашга интилишимиз керак. Октябрь ноҳиясидаги 84-ўрта мактабнинг ёш иқтидорли ўқитувчиси Коммуна Ахметова муаллимлик касбига дилдан ихлос қўйиб, ўқувчиларини меҳр билан тарбияламоқда.

СУРАТДА: Коммуна Ахметова ўқувчиси Абдулла билан дарсдан ташқари соатда машғулот ўтказаяпти.

А. Яҳёев суратн.

Долзарб мавзуда

Орол жамғармаси— меҳр булоқлари

Ёзувчилар уюшмасининг ҳузурида Орол ва Оролбўйини асраш жамоатчилик қўмитаси ташкил топганига уч йил тўлди. Бу давр ичида «Орол жамғармаси»нинг 001700403 ҳисобига бирғина Ўзбекистонимиздан эмас, қўшни жумҳуриятлардан ҳам саховатли кишилар фалокатнинг олдини олишда мадад бўлсин деб маблағ жўнатмоқдалар. Улар орасида мактаб ўқувчиси ҳам, қишлоқ меҳнаткаши, корхона ишчиси ҳам бор.

Шу кунларда жумҳурият кишилари Орол жамғармаси қанча бўлганлиги ва бу маблағ қандай мақсадлар учун сарфланаётганлиги билан қизиқмоқдалар. Шу саволларни биз қўмитанинг масъул котиби И. М. Саъдуллаевга ҳавола этдик.

— Оролни сақлаш учун фақат маблағ эмас, балки маънавий бойлик ҳам керак. Узоқ йиллар марказдан бошқариш сиёсатининг гирдоби туфайли бутун бир халқ бошига мусибат тушди. Шунинг учун халқимиз ҳиммат билан унга кўмак беришга шошилди, деди у. Орол жамғармасига Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, Жомбой, Нишон, Ғузор, Қамаши, Қува, Фарғона, Сариосиё, Ангор, Хонқа, Қўшкупир, Боғот, Когон ва Ховос ноҳияларининг жамоа ва шўро хўжаликлари меҳнаткашлари Орол учун ўтказилган шанбаликларда фаол иштирок этдилар.

Қардош Қозоғистон меҳнаткашларининг ҳимматига тахсин айтса арзийди. Бу борада Олма-Ота, Қизил ўрда, Павлодар, Оқ тўба, Семипалатинск шаҳарлари ва Чимкент вилояти меҳнаткашларининг хайр-эҳсонларини алоҳида эслаш лозим.

Қўмитамиз ташаббуси билан 1989 йил 9 декабрь куни «Орол яшаши керак» шиори остида ўтказилган хайрия шанбалигида Иттифоқимиз мактаб ўқитувчилари фаол қатнашдилар. Уларнинг номларини бирма-бир кўрсатишга имкон йўқ, албатта.

Халқ бир дарё деганларидек, шу улкан ҳаёт ичида узоқ йиллар топталган меҳр булоқлари ҳар ер, ҳар ерда кўз очаётгани кишини қувонтиради. Жомбой ноҳиясидаги 27-мактаб «Ёш ўлкашунослар» тўгараги аъзоларининг Оролни асраш йўлидаги хайрли ишларини ана шундай меҳр булоқлари, деса бўлади.

Мактаб биноси тутдек тўкилай, деб турибди. Гапнинг очиғи бу бино менга Оролни эслатди. Аммо бу хона ичида таълим-тарбия олиб вояга етаётган ўқувчилар ҳаёти кўпларга намуна десам хато бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам улар Мўйноқ, Қўнғирот, Беруний ва Хива ноҳияларига бориб, у ерлик тенгдошлари ташвишига шерик бўлдилар. Экологик фалокат оғушида яшаётган болаларни сўлим Жомбойга таклиф қилдилар.

Оролбўйидан қаттиқ таъсирланиб қайтган 8-синф ўқувчиси Моҳидил Икромова Бутуниттифоқ кашшофлар лагери — «Артек»ка борib, уларга денгизда юз берган фалокат хусусида сўзлаб, Орол — бу менинг тақдирим, деди.

Қорақалпоғистон жумҳуриятидаги кўпгина мактабларнинг ўқувчилари ўзлари муҳтож бўлишларига қарамай «Орол жамғармаси»га маблағ тўплашгани кишини ҳайратлантиради. Улар турли ширинликлар тайёрлаб сотиб, пулини юборишди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Амударёнинг шундоққина қирғоғига жойлашган мактаб ўқувчилари шовуллаб оққан дарёни ҳам, дунёни ҳам, дунёдаги ширин, шифобахш Амударё сувини ҳам кўрмай вояга етмоқдалар.

— «Орол жамғармаси» ҳисобини очиш унчалик осон бўлмаганини биламиз. Бу йўлда тўғаноқ бўлувчилар ҳам топилди, шекилли?

— Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан эзгу ишга қўл урилиб, Оролни асраш қўмитаси тузилди. Дастлаб фикрлар турлича бўлди. Лекин Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қўмита раиси Пирмат ака Шермуҳамедовнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Орол денгизи ва унинг халқи тақдири жаҳон эътиборига тушди, деса бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, айрим Орол «жонкуярлари» бу эзгу ишга ўз ҳиссаларини қўшмай туриб, жамғарма қаерга сарфланаяпти, деб жар солиб, тахликага тушиб юришибди. Улар шуни билиб қўйсинларки, ҳатто қўмита раиси Орол муаммолари бўйича Иттифоқни кезиб чиққан вақтларида ҳам харажатларни ўз ҳамёнидан сарфлади. Бунинг устига қўмита жамоатчилик асосида ишламоқда.

Орол ва халқ тақдири чиндан ҳам фалокат остонасида турганлигини чуқур ҳис қилиб, жамғармага биринчилардан бўлиб хайр-эҳсон қилган ватаншарвар ёзувчи, санъаткор ва оддий меҳнаткаш кишиларга миннатдорчилик билдирамиз.

— Исмонлжон Мадаминович, айтингчи, «Орол жамғармаси»га тушган маблағ бугунги кунда қанча бўлди ва у қандай мақсадлар учун сарфланаяпти?

— Ўтган йилнинг 30 июнь 1июль кунлари қўмитамиз Ўзбекистон ССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси билан биргаликда 24 соатлик «Орол яшаши керак» узлуксиз регионал телекўрсатув ўтказган эди.

Бу телекўрсатувда жамғармага бир миллиондан ортиқ маблағ тушди. Лекин, айрим раҳбарлар эл кўзида жамғармага фалон сўм ўтказдик дейишди-ю, аммо гаплари ёлғон бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, Оролга ёрдам жамғармаси 4 миллион 800 минг сўмга етди. Бу ўринда ғиждувонлик С. Камолова, челябинсклик А. Бойманова, тахтакўпирлик К. Кенжабоев, қўнғиротлик Ў. Давлатёров, хўжайлилик қаҳрамон она Х. Саъдуллаева каби ўз нафақаларининг бир қисмини жамғармага ўтказган мурувватли кишиларга таъзим қилсак арзийди.

Гап меҳр-оқибат, инсон маънавияти ҳақида бормоқда. Дарвоқе, Оролбўйида яшовчи жажжи қиз — Наргиза айтганидек, Оролни инсонлар меҳри қутқара олади.

Жумҳуриятимиздаги 9 миллион қашшоқ аҳолининг қанчаси Оролбўйида яшашини аниқ билмаймиз. Бизнинг ишимиз ва Оролни қутқариш учун умумхалқ ёрдами уларнинг жонига оз бўлсада, оро киради, деб умид қиламиз.

Бу ўринда тадбирли Президентимизнинг эзгулик йўлидаги қатор фармонларини эслашни истардим. Бордию, Оролбўйидаги бечораларни вақтинча бўлса ҳам турли солиқлардан озод қилинса, нур устига аъло нур бўларди.

Ниҳоят, жамғармага тушаётган пуллар қаёққа сарфланмоқда? Хориждан келган ва бошқа айрим кишиларнинг бу саволларига шундай жавоб бермоқчиман:

Ўлкада хатарли тус олаётган заҳри қотилнинг пайини қирқиш учун.

Оролбўйи халқларининг беланчаклари гўдаксиз қолмаслиги учун.

Оналар саломатлиги, аллаларнинг баралла янграши учун.

Алпомиш келбатли ўғлонлар, Барчинойдек сулув қизлар камолга етиши учун сарфланмоқда.

Йиғилган маблағ дарёдан томчи бўлса ҳам, халққа мадад бўлмоқда. Яқинда Чимбой ноҳиясида шифобахш ер ости суви чиққан жойда она-болалар санаторийси қуриш учун 4 миллион сўм ажратдик. Мазкур санаторий қурилиб, ишга туширилгунча, шу жойнинг ўзида ёзги санаторий иш бошлайди. Бунинг учун 200 минг сўм ажратилиб, 76680 сўмга 15 та ўтов, 12 минг сўмга 15 та рангли телевизор сотиб олинди. Мухтор жумҳуриятда яшовчи кўп болали оналар ва ногиронларни Тошкентдаги Н. А. Семашко номли илмий-тадқиқот институтининг клиника шифохонасида ва Луначарский номли санаторийда даволаниш лари учун 50 минг сўм сарфланди. Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳам етарли маблағ тахт қилиб қўйилди.

Қўмитамизда валюта ҳисобини очиш ҳужжатлари тайёр бўлди. Маълумки, хориждаги кўпгина ҳиммат ли кишилар, жумладан ватандошларимиз Оролга ва Оролбўйига ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Ўтган От йилида Орол учун анчагина хайрли ишлар қилинди. Иккита анжуман, ўнлаб йиғинлар бўлди. Аммо денгизга келиб тушган оз миқдордаги сувни ҳисобга олмаганда, бошқа амалий иш бўлмади, ҳисоб. Ўрта Осиё ва Қозоғистон Жумҳуриятларнаро Оролни қутқариш давлат қўмитаси тузилиши лозим. Бу таклиф жумҳурият олий кенгашига тақдим этилди.

«Орол жамғармаси» — одамларга мадад бўлмоғи лозим!

П. НИШОНОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги
Тошкент халқ таълими Бош бошқармаси

«ТАШСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси

3-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

«автоматчи-токарь» ихтисоси бўйича

1991 ЙИЛ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Тошкент шаҳрида ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида истиқомат қиладиган, Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади, стипендия тўланади, ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида эса 50 фоиз иш ҳақи тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР «ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ДОИМИЙ ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ариза, маълумоти тўғрисида аттестат, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кадрлар бўлими ва билим юрти қабул комиссияси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-ҳунар-техника билим юрти» бекати). Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирлиги
Тошкент халқ таълими бош бошқармаси

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991 — 1992 ўқув йилига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайванд қилувчи усталар, кўргазмали-плиталарга ишлов бериш усталари, ғишт терувчи.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ ВА 10 ОЙ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРГА 10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синфни тамомлаганларга ўқиш муддати — 3 йил.
8-синфни тамомлаганларга ўқиш муддати 2 йил.

Билим юртида ўқувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади. 6 ойлик ва 1 йиллик муддат билан группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса 76 сўм миқдорда ҳар ойда стипендия тўланади.

Билим юртида ўқиган муддат узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Аъло баҳолар билан ўқишни тугатган ўқувчилар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

ЎҚИШНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ВА ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрт директори номига ариза, таржиман ҳол, тавсифнома (характеристика), маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент — 5, Ленин ноҳияси, Астрахань кўчаси, 12-уй, СПТУ—5. 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси бекати, 55, 66, 161-автобусларнинг 57-мактаб» бекати; 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекати, 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри» бекати.

Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

19-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА

6 ОЙ МОБАЙНИДА ҚАСБ ЭГАЛЛАШ МУМКИН.

«қўриқлаш-ёнғин сигнализациясининг электр монтёри ва электр пайвандчи»; «таъмирловчи-чилангар ва кенг қамровли дастгоҳчи» ихтисослари бўйича тажрибавий гуруҳларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчилар рўйхатида қайд қилинган йигитлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Куйбишев ноҳияси, Владимир тор кўчаси, 15-уй. Телефонлар: 68-48-96, 68-48-97.

Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирлиги
Ўзбекистон ССЖ халқ таълими Бош бошқармаси

41-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йилига

ЭКСПЕРИМЕНТ ПУЛЛИҚ ГУРУҲЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЭКСПЕРИМЕНТ ПУЛЛИ ГУРУҲЛАР ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА БЎЛИНАДИ:

бульдозер, скрейпер, грейдер ҳайдовчиси (категория «С» бўйича ҳайдовчи деган ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади);

автослесар (категория «С» бўйича ҳайдовчи деган ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади).

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшда бўлган 9-11-синфни битирган Тошкент шаҳрида яшовчи йигитлар қабул қилинади.

11-синфни тугатганлар учун ўқиш муддати — 1 — 1,5 йил.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАРГА ЭГАЛЛАНГАН МУТАХАССИСЛИГИ ҲАҚИДА ДИПЛОМ ВА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДА АТТЕСТАТ БЕРИЛАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина маълумотномаси (286-форма), 4х5см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржиман ҳол, мактабдан тавсифнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Октябрь ноҳияси, Хуршид кўчаси, 83-уй, 44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати, 10, 56, 85, 88-автобусларнинг «Марказ» — 6» бекати. Телефон: 41-38-22.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 24/I да **Флория Тоска**, 25/I да **Дон Кихот**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Куёв**, 25/I да **Хотинлар «гаш»дан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 24/I да **Куёвлар конкурси**, 25/I да **Нурхон.**

А. ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Зиёфат**, 25/I да **Гўзаллар ва миршаблар.**

КИНО

24 ЯНВАРДА

А. Навоий номидаги Санъат саройида — «ИККИ ЖИНОЯТЧИ» (катта зал, 18.30, 20.45); «РАМ ВА ЛАКХАМ» (кичик зал, 17.30, 20.45).

Чайка — «ШИНА — ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИЧАСИ» (17.00, 20.45), «109 — ТУХТАМАЙ КЕТАДИ» (19.00).

БЛКЕИ 30 йиллиги номли — «7 ТОННА ДОЛЛАР» (жуфт соатларда):

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли — «РЕМБО» (тоқ соатларда).

Москва — «ФАРИШТА» (тоқ соатларда).

Восток — «ФАРИШТА» (тоқ соатларда).

25 ЯНВАРДА

А. Навоий номидаги Санъат саройида—«ИККИ ЖИНОЯТЧИ» (катта зал, 11.00, 13.30, 16.00 18.30, 20.45), «РАМ ВА ЛАКХАМ» (кичик зал, 12.00, 14.45, 17.30, 20.45).

Чайка — «ШИНА—ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИЧАСИ» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.45), «109—ТУХТАМАЙ КЕТАДИ» (19.00).

БЛКЕИ 30 йиллиги номли «7 ТОННА ДОЛЛАР» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли— «РЕМБО» (тоқ соатларда).

Москва — «ФАРИШТА» (тоқ соатларда).

Восток — «ФАРИШТА» (тоқ соатларда).

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«УЗБЕКГИДРОГЕОЛОГИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг гидрогеотехника махсус конструкторлик бюроси эркин савдо йўли билан **1516 Ф 1 арғимчоқсимонтокарлик дастгоҳи** (1984 йилда чиқарилган), **2455 АФ1 мувофиқлаштириб йўниш дастгоҳи** (1980 йилда чиқарилган), **262В ётиқ-чизиқ бўйлаб йўниш дастгоҳи.** (1974 йилда чиқарилган).

СОТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Морозов кўчаси, 64 «а»-уй,
(«Академиклар шаҳарчаси» бекати).
Телефонлар: 62-71-70, 62-71-05, 62-99-11.

«ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

1кв. метрнинг баҳоси 12 сўм 23 тийинлик

АКУСТИК ГИПСЛИ ПЛИТА (АГП)ЛАРНИ: **шунингдек, Чехословакияда ишлаб чиқарилган УН—053 МАРКАЛИ УНИВЕРСАЛ (погрузчик) ЮК ОРТГИЧНИ**

СОТАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Ялангоч қишлоғи, 2-ғишт заводи.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов ноҳия давлат сугурта нозирлигининг РО серия 212 намунали 353756—353775 (19 дона), 00001 серия 228-намунали 100184 (1 дона), 00001 серия 228-намунали 271026—271050 (25 дона), АУ серия 210-намунали 131422 — 131425 (4 дона), 00005 серия 224-намунали 917205—206 (2 дона), 00005 серия 917208—209 номерли йўқолган,

КВИТАНЦИЯЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Бош қурилиш идораси «Таштрансспецстрой» трести моддий-техника таъминоти бўлимининг йўқолган

2-СОНЛИ ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент нон маҳсулотлари савдоси идорасига қарашли III-дўконнинг йўқолган

ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

24 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00, 18.00 ДА

«БОЛАЛАР» ГРУППАСИНИНГ

ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

(3-альбом)

Бадиий раҳбар — Р. ШАРИПОВ.

Касса соат 10.00 дан 19.00гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-18-11.

---

25 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА
26 ЯНВАРЬ СОАТ 16.00, 19.00 ДА
27 ЯНВАРЬ СОАТ 18.00 ДА

ҲИНДИСТОНДА БЎЛАДИГАН САФАР ГАСТРОЛЛАРИ ОЛДИДАН

«ОСИЁ-91»

ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ ТОМОШАЛАРИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

РАҚС САНЪАТИ СОҲАСИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИ ЕШЛАРНИ

БЕШ ОЙЛИК

«РАҚС САНЪАТИ АСОСЛАРИ»

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар ритмика, рақсда нафис ҳаракатлар (пластика) этюд, мусиқавийлик, классик рақс, ўзбек рақси, рақсни саҳналаштирувчи, рақсни саҳналаштиришнинг ёзма баёни, рақс либослари ва рақс мактаблари, шунингдек иншо ёзиш малакасини ошириш машғулотлари бўйича тайёрланадилар.

Беш ойлик курсни тамомлаганларга имтиҳонлар асосида гувоҳнома берилади. Амалий машғулотлар катта саҳналарда концерт фаолияти билан қўшиб олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР 4 ФЕВРАЛДАН БОШЛАНИБ, ҲАФТАДА УЧ МАРТА СОАТ 16 ДАН 19.00 ГАЧА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Қабул ҳар куни соат 16 дан 19.00 гача.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар Маданият саройи, 2-қават, 90-хона (транспортлар: 2, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, 6, 29-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси», бекати, 6, 15, 23, 48, 72, 103, 151, 161, 164-автобусларнинг «Авиасозлар бозори» ва «Маданият саройи» бекати). Телефон: 96-55-81.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

«УЗБЕКМЕБЕЛЬ» ТОШКЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

электр пайвандчилар, дурадгорлар, монтажчилар, бўёқчилар, сувоқчилар, ғишт терувчилар, бетончилар, автокранчилар.

МЕҲНАТ ҲАҚИ—ИШБАЙ.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй, ёки Киров ноҳия ишга жойлаштириш бўлими, Энгельс кўчаси, 48-уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

84.397 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма: 4728. **1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**